4 МАЙ 1990

ТИНЧЛИК, МЕҲНАТ, БИРДАМЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 100 (20. 667) • 1990 йил 1 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Совет кишилари! Инсонпарвар, демократик социализм қуриш учун куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!

МАРҲАБО, МУҲТАРАМ АЙЁМ!

Қуёшли само бўлиб,
Яшиллик барпо бўлиб,
Барқ урган сиймо бўлиб,
Зийнатли зебо бўлиб,
Гулу лолага тўлиб,
Шавқли бир дунё бўлиб,
Фаъли кенг дарё бўлиб,
Кириб келди кўркам Май.

Юртимизни соғинган
Қушлар ҳам келди кўчиб,
Еллар эсар ҳар деҳқон,
Ҳар бир ниҳолни қучиб,
Меҳнат аҳлини қутлар,
Кўнгил қулфини очиб,
Келди файзу фасоҳат —
Тўкиб элга ўктам Май.

Шодлигидан байроқлар
Пештоққа чиқиб кетди,
Тор масканга сиғмасдан,
Кўча-куйда шод этди,
Яллиғланиб бошларда,
Қизил майдонга етди,
Рангин камалик бўлиб,
Келди боз муҳташам Май.

Яшнаб ўтади сафлар
Нақ чаманзор кўчгандай,
Майдонга тарқар ёшлар
Капалаклар учгандай,
Бўлмиш кўзларга гўё
Саҳна парда очгандай,
Келди дўстликка ундаб,
Баҳор билан ҳамдам Май.

Кўкда чарх уриб учар,
Оқ каптарлар галаси,
Диллардан ўрлар элнинг
Байрамона ялласи,
Қутловлар жарангидан
Жўшар шавқ шалоласи,
Фахру фароғат бўлиб
Келди шод муҳтарам Май.

Башар тинчликка ташна,
Олам бўлсин осойиш,
Аҳилликдан ҳамиша
Жаҳон топсин оройиш,
Меҳру шафқат туйғуси
Этаверсин намойиш,
Элларни ва дилларни
Қилавер мужассам Май!

Зоҳиджон ОБИДОВ.

МАЙ ҒОЯЛАРИ— ҚАЙТА ҚУРИШГА

Мана, гул-гул яшнаб янги ой ҳам бошланди. У ўзи билан бирга бизга жуда қадрдон бўлиб қолган тантанани ола келди. Бу — баҳор байрами, Тинчлик байрами, бутун дунё меҳнат аҳлининг Бирдамлик байрами! Биз бу кунда даврлар алоқасини турли юртлар, турли авлодлар манфаатларининг умумийлигини янада яққолроқ ҳис этамиз.

Гап Биринчи Май ҳақида кетяпти. Бир асрдан ошдики, у мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб шаҳдам одим отмоқда. У—меҳнаткашлар жипслиги, куч-қудрати кўригига, уларнинг ўз ҳуқуқлари учун, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун кураши тимсолига айланган.

— Яшасин 1 Май—меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Бугун ол байроқлар янада баландроқ кўтарилади. Уларда дастлабки маёвкаларнинг даъватлари ҳам бор. Намойишчилар ишчилар бошлаган иш учун жон фидо этган кишилар хотираси олдида бош эгадилар. Одамлар бахт-саодати йўлида куч-ғайратини аямаган, юксак идеалларга чин кўнгилдан ишонган ленинчи большевиклар руҳига таъзим қиладилар. Советлар ҳокимиятининг дастлабки йилларида, машаққатли, айни пайтда қаҳрамонона беш йилликлар даврида мамлакатимиз шонли солномасини яратганларни эслайдилар. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида Иттифоқимиз мустақиллиги ва озодлигини сақлаб қолганлар, барча азобу уқубатларни мардонавор енгиб, юртимизни буюк давлатга айлантирганлар ҳаққи-ҳурмати шундай қилинади. Бунга имонимиз комил. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Негаки, орамизда ўтмишдаги хато ва нуқсонларни фош қилиш баҳонасида бутун тарихимизга доғ туширишга, умуман Октябрь бошлаб берган йўлнинг муқаррарлигини шубҳа остига олишга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас.

Ҳа, давр ўзгаряпти. Ўзимиз ҳам, бизни ўраб турган атроф-муҳит ҳақидаги, босиб ўтган йўлимиз тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ўзгармоқда. Биз социалистик қурилишнинг ленинча тартибларидан четга чиқилганлигини ошкора маълум қилдик. Маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қатъиян воз кечмоқдамиз. Чунки улар жуда оғир бузилишларга, иқтисодиётда, маданиятда, фанда, маънавий ҳаётда турғунликка олиб келди. Биз инсонпарвар, демократик социализм сари юришимиз керак. Уни КПСС Марказий Комитетининг бундан беш йил муқаддам ўтказилган апрель Пленуми кўрсатиб берди. Қайта қуриш ўз тарихини шундай бошлайди. Аммо қайта қуриш— кекса авлодга мансуб меҳнат кишилари қўли билан яратилган қадриятларни инкор этиш эмас. Уларнинг шуҳрати асло ўчмагай! Она-Ватанга садоқат билан ҳалол хизмат қилиш намунаси, кашшофларнинг меҳнат жасорати ҳозирги туб бурилиш даврида бизга йўлчи юлдуз бўлсин! Уларнинг ташаббускорлик, ижодкорлик, қийинчиликларни мардона енгиш тажрибаси, муваффақиятсизликлардан руҳан тушмаслик хислатларини ўрганиш ва ўзлаштириш, айниқса, ҳозир жуда-жуда зарур.

Яширишнинг ҳожати йўқ — қайта қуриш оғир кечмоқда. Буни СССР Президенти, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев В. И. Ленин таваллуд топган кунининг 120 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ҳам таъкидлаб ўтди. Одамлар унинг сўзатидан норозилик билдиришмоқда. Мисол учун Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш Давлат планининг шу йил тўрт ойи якунларига мурожаат қилайлик. Тўғри, жумҳурият иқтисодиёти ижтимоий муаммолар ечимига йўналтирилганлиги, халқ фаровонлигини оширишга оид тадбирлар амалга оширилиши туфайли социал-сиёсий кескинлик бирмунча юмшади. Лекин республика халқ хўжалигида айрим ижобий ўзгаришлар бўлишига қарамай улар ҳали ҳал қилувчи кучга эга эмас. Шу боис Коммунистик партия ҳаётимизнинг турли жиҳатларини, қайта қуриш жараёнларини таҳлил этиш асосида улардан принципиал хулосалар чиқармоқда. У, энг аввало, қайта қуришни, янгилашни ўзидан бошлади. Аввалги байрамдан бери СССР халқ депутатларининг учта Съезди бўлиб, улар социализмнинг ижтимоий системасини ривожлантиришда янги даврни очди. Бутун давлат ҳокимиятини амалда Советлар қўлига топшириши бошлаб берди. Бу ҳам — аслида дастлабки маёвкалар ва намойишларнинг асл мақсади эди. Халқ оммасини умумдавлат масалаларини ҳал этишга жалб этишнинг янги демократик моделини яратишга асос солди. Мамлакатда Президент лавозими жорий этилди. СССР халқ депутатлари сайловидан сўнг жумҳуриятлар ва маҳаллий Советлар халқ депутатлигига сайловлар ўтказилди. Жойларда биринчи марта демократик негизларда давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви шакллантирилди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС янги Устави лойиҳалари бўйича мунозаралар авж олмоқда. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, сиёсий ислоҳот ғоялари ишланмалар ва режалардан амалиётга кўчмоқда, ҳаётий реалликка айланмоқда.

Қайта қуришдаги янги, айтиш мумкинки, муҳим босқич — иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришдир. Ислоҳотлар программаси миллионлаб совет кишилари томонидан қўллаб-қувватлансагина, уларнинг манфаатларига жавоб берган тақдирдагина муваффақият қозониши мумкин. Шу муносабат билан маънавий-руҳий омилларни ҳам эътиборга олиш керак. Одамларимиз аҳвол-руҳиясида ўз аксини топган ялпи текисчиликка, ташаббуссизликка, тайёрга айёрликка интилишларга энди ўрин бўлмаслиги лозим. Демак, қайта қуриш муваффақияти, турмуш шароитларининг яхшиланишини шахсан менга, менинг қандай меҳнат қилишимга тўғридан-тўғри боғлиқдир, деб фикрловчи, уни рўёбга чиқарувчи янги қиёфали ходимни шакллантириш муҳимдир. Партия ташкилотлари буни ҳисобга олиб, омма орасида сиёсий ва мафкуравий ишларни авж олдиришлари керак.

— СССР меҳнаткашлари! Фаровонлигимизнинг гарови бўлган туб иқтисодий ислоҳотни жадаллаштирайлик!

Биринчи маёвкаларнинг яна бир шиори барча меҳнаткашлар бирдамлигини мустаҳкамлаш эди. Жуда кўплаб миллат ва элатлар яшайдиган мамлакатимиз, чунончи жумҳуриятимиз учун дўстлик, қардошларча ҳамкорлик ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Тарихдан турли республикаларнинг ишчилари ва олимлари, маданият арбоблари бир-бирларига иқтисодий ва маънавий тараққиётда ёрдам берганликлари тўғрисида юзлаб, минглаб мисолларни келтириши мумкин.

Мана шу ажойиб анъаналарга таяниб, уларни кўз қорачиғидек ардоқлаб ривожлантирайлик. Шу асосда миллатлараро муносабатларнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишнинг энг тўғри, самарали йўлларини ва шаклларини топайлик. Советлар мамлакати халқлари ўртасида иқтисодий, маданий, маънавий алоқаларни мустаҳкамлайлик.

— СССР гражданлари! Совет федерациясини тубдан ўзгартириш ва мустаҳкамлаш — мамлакатдаги барча халқларнинг ривожланишига олиб борадиган асосий йўлдир. Миллатчи ва айирмачи кучларга қатъиян «йўқ» деб жавоб берайлик.

Жамиятимизда социалистик қайта қуриш бирдан-бир оқилона йўлдир. Қайта қуриш — мураккаб, аммо қийинчиликлардан чиқишнинг муқаррар йўлидир. Уни чуқурлаштириш, такомиллаштириш, аниқ-равшан ишлар билан мустаҳкамлаш, қайта қуришни бошлаб берган партиянинг ўзида сафларни принципиал негизда жипслаштириш — шу кунинг асосий шиоридир.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Фармонига биноан армия генерали Д. Т. Язовга Совет Иттифоқи Маршали ҳарбий унвони берилди.

(ТАСС).

Жумҳурият янги гимни янграйди

Жумҳурият Олий Совети биринчи сессиясининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР янги Давлат гимнини яратиш юзасидан иш бошлаб юборилди.

Мазкур масала Олий Советнинг маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш ҳамда миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссияларининг ишчи группаси мажлисида кўриб чиқилди.

Муҳокамада мажлисга таклиф этилган ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, шоирлар ва композиторлар, олимлар, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Давлат гимнининг шеърий матни ва мусиқасига конкурс ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ҳакам ҳайъати танлаб олган асарларни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат гимнини жумҳурият Олий Советининг сессияси тасдиқлаши керак.

(ЎзТАГ мухбири).

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ—ТАШАББУС ВА ИЖРОЧИЛИКДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИДА ШУ НАРСА ТАЪКИДЛАНДИ

Тошкент шаҳри Куйбишев районининг салкам уч ярим минг аҳолиси ўзбек тили курсларида машғулотларни бошлади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, аҳоли истиқомат жойларида 280 та гуруҳ ташкил этилди. Айни пайтда курсларни ташкил этиш учун харажатларни бир қанча ҳолларда халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети ўз зиммасига олди.

Яхши ташаббус! Аммо бу — Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунни рўёбга чиқариш йўлидаги дастлабки қадамлардан биридир, холос.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида ана шу ҳақда гап борди.

Бу гал Қонун қандай амалга оширилаётганлиги республика пойтахт районларидан бири мисолида кўриб чиқилди: бу ерда бошқа районлар, шаҳарлар; областларга хос бўлган кўпгина хусусиятлар мавжуд.

Бошқа давлат ҳужжатлари сингари мазкур Қонунни ижро этишда ҳокимият маҳаллий органлари етакчи вазифани бажариши таъкидланди. Уларнинг вазифаси ишни ташкил этиш ва уни назорат қилиш, айни пайтда корхоналар, ташкилотлар, муассаларга бериладиган ёрдамни юксак талабчанлик билан узвий боғлашдан иборат.

Ўз-ўзидан равшанки, бунда ҳокимият идорасининг намунаси ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу борадаги ишларнинг аҳволи қандай?

Куйбишев район Советининг ижроия комитети раис ўринбосарларидан бири бошчилигидаги ишчи комиссияси тузди. Районнинг кўпгина корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида ҳам шундай комиссиялар ташкил этилди. Қонунни рўёбга чиқариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди, уларнинг ижрочилари ва муддати аниқлаб олинди.

Аммо бу ерда ҳозирча ана шу режалар изчил бажарилишини ташкил эта олмадилар. Ижроия комитет фаолиятини ифодалаб берувчи жиҳатлардан биринчисина келтирамиз: бу ерда таржимон штати жорий этилди, бироқ бўш жойни тўлдириш кечиктирилди. Бу эса иш юритишни давлат тилига ўтказиш муддатларига таъсир қилди.

Ижроия комитет уч ой давомида ўз мажлисларида корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бирорта раҳбари ҳисоботини тингламади. Улар ўтказаётган тадбирлар ўз вақтида умумлаштирилиб, таҳлил этилмади, қўллаб-қувватланиб, тузатилмади...

Бундай камчиликлар учун район территориясида жойлашган республика министрликлари ва идоралари кўп даражада масъулиятлидирлар.

Шу нарса равшанки, район Советининг ижроия комитети ана шу идоралар раҳбарларининг Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг ижроси билан боғлиқ вазифаларини уларга қатъийроқ эслатиши мумкин эди.

Куйбишев районининг территориясида жойлашган Луначарский номли маданият уйи зарур даражада давлат тилидаги китоб фондига эга эмас. Айни пайтда бу ерда жумҳурият тарихи, иқтисодиёти, бир қанча аниқ ва амалий фанларга оид адабиётлар жуда кам, китобхонларнинг чет эл адабиёти классиклари, қардош республикалар адиблари асарларининг ўзбек тилига таржимасига қизиқиши қондирилмаяпти.

Маданият министрлиги, республика нашриётлари, Халқ таълими министрлиги бутун Тошкент шаҳри, шунингдек жумҳуриятнинг бошқа шаҳар ва районларидаги мактабларида ўзбек тилини ўрганиш системасини такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга оширишлари керак.

Айни пайтда Куйбишев районида, шунингдек шаҳарнинг бошқа районларида малакали ўзбек тили муаллимлари етишмайди ва ўқитувчиларнинг ярмигина ўқитишнинг техник воситалари билан таъминланган, Дарсликлар ва қўлланмалар кам.

Бошқа идоралар ҳам Қонунни ижро этишдаги камчиликлар учун район ижроия комитети билан баббаравар жавобгар бўлишлари лозим. Чунончи, Автомобиль транспорти министрлиги автостанциялар ва автовокзаллар диспетчерлари ҳамда кассирларига ўзбек тилини ўқитиш курсларини ташкил этмаган.

Республика Алоқа министрлиги, Қурилиш министрлиги, Дон маҳсулотлари министрлиги, «Главташкентстрой», «Тошкент трактор заводи» ва «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг маъмуриятлари Куйбишев районида ва шаҳарнинг бошқа районларидаги ўзларига қарашли корхоналарда тегишли тадбирлар ўз вақтида бажарилиши тўғрисида ҳамкўрлик қилмадилар.

Район Советининг ижроия комитети қонунни рўёбга чиқариш юзасидан методик тавсиялар ва маслаҳатлар бериш вазифаси юкланган ташкилотлар ва муассасалар; Фанлар Академияси, атамашунослик, топонимика мутахассислари билан тез-тез маслаҳатлашиши, фаолроқ алоқа ўрнатиши зарур. Бу эса кундалик фаолиятга самарали таъсир кўрсатади ва аҳоли кенг доираларининг тарих, маданият ва анъаналарга, тил муаммоларига қизиқишини тўлароқ қондиришга ёрдам беради.

Министрлар Совети Президиуми Куйбишев район ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва бошқа бир қанча идоралар, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқаришдаги камчиликларга қаратди ва улар зиммасига Қонунининг барча қоидаларини амалга ошириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш вазифасини юклади.

(ЎзТАГ мухбири).

Область партия комитетининг пленуми

Сурхондарё область партия комитетининг Термизда бўлган пленумида бўлажак XXII область партия конференциясига ҳисобот докладининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Х. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети С. Оржоникидзе номли Бухоро давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, талабаларининг институт номини ўзгартириб, уни Файзулла Хўжаев номли Бухоро давлат педагогика институти деб аташ тўғрисидаги таклифини қувватлади.

Халқ ташвиши билан яшайлик

ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

Бу йилги Май байрами мамлакатимизда ўзига хос мураккаб, айни пайтда ижодий изланишлар, ғоявий курашлар қучайган бир даврда ўтаётир. Ошкоралик ва демократия ҳаётимизга чуқурроқ сингиб бормоқда. Ҳар бир кишидан бугунги кун муаммоларини ҳал этишда фаоллик кўрсатиш, қатъий позицияга эга бўлиш талаб этилаётир.

Шу ўринда СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Ленин ҳақида сўз»ида айтилган Лениннинг тарихга таъсир кўрсатишининг боиси унинг ҳаракатга келтирувчи кучларига аниқ баҳо бера олиши ва сиёсатда ҳозирги лаҳзада муқаррар, келажаги бор омилларни қўшиб олиб бориш қобилиятидадир, деган сўзларини эслаш ўринлидир. Агар ҳозирги жараёнда ҳар бир коммунист партия бошлаб берган қайта қуриш жараёнидаги вазиятга ҳеч бўлмаганда тўғри ёндаша билганида бугунга келиб айрим кимсалар томонидан Ленин ғояларига шубҳа билан қараш, Ленинга ҳурматсизлик қилинишига йўл қўймаган бўлар эдик. Зеро тантанали йиғилишда таъкидланганидек, Ленин олами ҳудудсиздир. Бу олам... ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар, ёшларнинг аҳволи, мавқеи ва тақдирини қамраб олади. Биз социалистик жамиятимизнинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилган доҳийни амалдаги фаолиятимиз билан эъзозлашимиз керак.

Зеро, биз доҳийнинг «Бутун ҳокимият Советларга!» шиорига, унинг аксарият ғояларига тўла-тўкис қайтяпмиз. Жумҳуриятимизда яқинда ўз ишини тамомлаган республика Олий Советининг сессияси ҳам буни тасдиқлайди. Олий анжуманда халқнинг ишончли вакиллари жойларда тўпланиб қолган жуда кўп муаммолар хусусида очиқ-ошкора гапирдилар. Шу боис қабул қилинган қарорлар халқчил, ҳаётий бўлди. Энди гап албатта ўша қарорларнинг бажарилишини таъминлашда.

Мен ўз номзодим депутатликка тавсия этилган кундан бошлабоқ кишилар билан учрашишга, уларнинг дарду-ҳасратини ўрганишга алоҳида эътибор бермоқдаман. Шуни таъкидлаш керакки, районимизда бу муаммоларни ҳал этишга киришилди. Жиззах тикувчилик фабрикасининг филиали кенгайтирилиб, комбинатга айлантирилди. Ҳозир бу ерда юзлаб хотин-қиз қўшимча равишда ишга тортилди. Касаначилик меҳнати йўлга қўйиляпти. Район маркази ва қишлоқларни газлаштириш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Районимизнинг янги раҳбарияти неча ўн йилликлар давомида барчанинг дилини хира қилиб келган Фориш-нинг ўнқир-чўнқир йўлларини тартибга келтириш йўлида жиддий ишларни амалга оширишга киришди. Районда ўсиш, янгиланиш сари дастлабки қадамлар қўйилаётганлиги халқни қувонтирмоқда. Менимча муҳими ҳам ана шунда.

Ҳ. СУННАТОВА,
Фориш район босмахонаси ҳарф терувчиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати.



● Муҳтарам Қурбонова Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат пешқадамларидан бири. У Май байрамини янги ютуқлар билан кутиб олди. Айни кунларда у келгуси ой ҳисобига ишламоқда.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

1 МАЙ

Советлар мамлакатининг ишчилари! Коммунистлар партияси сизнинг онглилигингиз ва уюшқоқлигингизга, қайта қуриш ишига садоқатингизга умид қилади!

БИЗ— БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАРМИЗ

ЛЕНИНГРАДДАН КЕЛГАН СОВҒА

1930 йилнинг кеч кузи. Қувадан чиққан поезд вагонларидан бирига анор тўла қутилар босилган. Қува заминида етишган ҳар донаси дўппидай келадиган ёқутранг, машҳур туятиш анорлар тансиқ неъмат сифатида олис Ленинград ишчиларига олиб кетилаётган эди.

Шундан бир йил илгари Толмазор, Ўрабоши қишлоқлари деҳқонлари «Октябрь» колхозини тузишганди. Янги рўзғорнинг ишлари чакки эмас. Кузда ҳар гектар ердан 9,3 центнердан пахта олинди. От-уловлар учун 3240 боғ пичан ғарамланган. Боғбонлар ширкатга анор топшириш планини 165 фоизга уддалаб қўйишди. Ҳосил жуда мўл бўлгани учун юзлаб килограмм анор омборларда турибди. Аммо хўжалик аъзоларини ташвиши бор. Камбағалларнинг лахтак ерларини яхлитлашди-ю, кенг далалар пайдо бўлди. Бироқ катта майдонларни омоч билан қисқа муддатда шудгорлаш қийин экан. Бу эса экин-тикинни кечиктирарди. Колхозчилар орасида юз одам ишини бир ўзи қиладиган, ерларни ағдариб ҳайдаб берадиган «ўт омоч» ҳақида дув-дув гап юриб қолди. Бундай «ўт-омоч»лар катта шаҳарлар атрофидаги колхозларда пайдо бўлганмиш. Кунлардан бир кун колхозга келган Йўлдош ота Охунбобоев деҳқонларга тракторлар инқилоб бешиги Ленинграддаги Путилов заводида тайёрланишини, агар қуваликлар Питер ишчилари билан бевосита алоқа ўрнатсалар яхши бўлиши ҳақида гапирди. Деҳқонларнинг юрагига ўт тушди.

— Қува анори билан машҳур, — деб қолди колхоз раиси Исоқжон Исмоилов, — агар Питер ишчиларига анор етказиб берсак, улар эса бизга трактор беришса... Қойил иш бўларди-да! Кўпчилик бу фикрни маъқуллади ва раис билан Абдурасул Мамарасулов вагонга анор юклаб Ленинград томон йўл олишди. Путиловчилар олис фарғоналик меҳмонларни илиқ қарши олишди. Уларни Ленинград бўйлаб сайр қилдиришди. Завод цехларини кўрсатишди. Бу орада фарғоналиклар ташрифидан Ленинград коммунистларининг раҳбари С. М. Киров ҳам хабардор бўлди. Тўғри, трактор ўзбек деҳқонлари учун бағоят зарур эди. Аммо трактор тақсимоти фақатгина Госплан ихтиёрида бўлиб завод ўз хоҳишича тракторни бошқаларга беролмасди.

Бунинг ҳам йўли топилди. Сергей Миронович ташаббуси билан завод ишчиларининг митинги бўлиб ўтди. Ишчилар деҳқонларга ёрдам қўлини чўзиш зарурати ҳақида гапирдилар. Улар пландан ташқари яна иккита «Фордзон» йиғишга қарор қилишди. Бу ишдан бўш вақтларда амалга ошириладиган бўлди. Тракторлар Фарғона деҳқонлари учун туҳфа, ишчи қўлларининг саховати бўлиши керак эди. И. Исмоилов билан А. Мамарасуловлар янги йилни ҳам Ленинградда кутиб, қиш ўрталарида қишлоққа қайтиб келишди. Бироқ негадир тракторлардан дарак йўқ эди. Одамларнинг юрагига ғулғула тушди. Аммо инқилобий Ленинград ишчилари ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Баҳор чоғи Толмозордаги сайилгоҳда Наврўз тантаналари бошланган эди. Тунлари сумалак тўла қозонлар атрофи гавжум, толпопук таққан қизалоқлар кулгиси тинмайди. Дала-даштлар уйғонган, сайилгоҳда яллалар авжга чиққан бир пайтда олисдан аллақандай кучли товуш чиқариб қишлоқ томон «ўт омоч» кела бошлади. Ленинград ишчилари «Октябрь» колхозига юборган иккита «Фордзон» трактори қишлоққа кириб келмоқда эди. Янги тракторлар тариллашиб карнай-сурнайлар садосига жўр бўлди. Наврўз завқ-шавқи, дўстлик ҳиссиёти, ўроқ-болға бирдамлиги туйғулари ила йўғрилиб кетди.

Ўшандан буён 60 йил вақт ўтди. Бу воқеалар иштирокчиларининг кўпи орамизда йўқ. Аммо улар асос солган дўстлик иплари ҳамон мустаҳкам. «Социализм» (собиқ «Октябрь») колхози Қуванинг бақувват хўжаликларидан бири. Хўжалик аъзолари билан Ленинграддаги Киров (собиқ Путилов номли) завод ишчилари орасида муносабат ҳамон қуюқ. Қуваликлар заводга турли сархил мевалардан юборсалар, ишчилар ўз навбатида колхозга техника воситаларидан ёрдам беришади. Завод 60-йиллар охирларида колхозга совға қилган иккита қудратли «К—700» трактори ҳамон хўжалик хизматида. Ўтган йили колхознинг 60 йиллик тўйи бўлиб ўтди. Тўйда ўша воқеалар яна бир карра эсланди. Дўстликнинг абадий пишиқ-пухта эканлигига ишонч ҳосил қилинди.

— Ҳар йили қишлоғимизда ўтадиган Наврўз байрамига кировчиларни чақирамиз, — дейди колхоз раиси Ўзганбой Аҳмедов, — улар бизни ҳурмат қилиб олис Ленинграддан байрамимизга келишади. Ўтган йили ҳам Киров заводи ишчилари Наврўз байрамимизда қатнашиб ҳурматли меҳмонимиз бўлишган эди. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Ҳа, самимий, беғараз дўстлик ришталари ҳеч қачон бузилмайди, чунки қайси халқ, миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар ишчи ва деҳқоннинг дили бир, интилиши бир...

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Муборакда ишлаётган болгариялик қурувчилар онласи ҳақида ҳикоя

Семеон, Николина ва Пейче Кировлар оилавий звеноси қардош Болгариядан бунёдкорлик ишларида Совет Иттифоқига ёрдам бериш учун қалб амри билан келишган. Улар 14 йилдирки, бепоён Ватанимизнинг турли жойларидаги зарбдор қурилиш участкаларида меҳнат қилишяпти. Ишлаганда ҳам чин юракдан ишлашяпти. Ташаббускор кишилардан ташкил топган бу оилавий звено аъзолари 8 йил давомида Муборак шаҳридаги қурилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

Болгар қурувчилар бригадаси ҳамда оилавий звеносининг бошлиғи Семеон Киров ҳикоя қилади:

— Дарҳақиқат, кичик бир оилавий звенони ташкил этамиз. Советлар мамлакатига бўлган қизиқишим, тинчликсевар мамлакатдан дўст орттириш, ана шу дўстларимга уй-жойлар, дам олиш масканлари, болалар боғчалари, маиший хизмат уйлари қуришда бевосита ёрдам бериш иштиёқи мени халқингиз тақдири билан боғлади. Муборак она шаҳримдек қадрдон бўлиб қолган. Нарсес Азарян, Бешим Тўев сингари қурилиш усталари, Жумақул Қурбонов, Николай Шмаков, Иван Назаровдек газ саноати илғорлари, Ҳалим Ҳамроевдек ҳали ҳам ғайратли ветеранлар билан яқиндан танишдим.

1981 йил, биз Муборакка келган кезларимизда, шаҳар мўъжазгина қўриниша эга эди. Уйлар ҳам унчалик кўп эмасди. Фақат биринчи микрорайонда икки ва тўрт қаватли саноқли уйлар бор эди. Шаҳарга кириб келиш жойида эса «вагон шаҳарча» бўларди. Кўпчилик қурувчилар ҳам, газчилар ҳам шу ерда истиқомат қилишарди.

Орадан 8—9 йил ўтиб, шаҳарда осмонўпар биноларнинг, маиший хизмат уйлари, янги кинотеатр, стадион, маданият ва истироҳат боғлари бунёдга келди. Шаҳарнинг ташқи ва ички қиёфаси бутунлай ўзгариб, гўзаллашиб кетди. Янги микрорайонлар — 4-, 4-А, 6-микрорайондаги уй-жойлар, болалар боғчалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Меҳмонхона, алоқа ва матбуот уйлари, замонавий шифохона қурилди. Қисқаси, шаҳарда жуда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Мен бошлиқ бўлган 113-болгар қурувчиларининг пардозловчилар бригадаси аъзолари ҳам Муборакдаги мана шундай яратувчилик ишларида қатнашаётган экан, дўст совет халқига баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзаётганлигимиздан баҳтиёрмиз.

Бригадада ҳозирги кунда 20 нафар қурувчи ихтисослигига эга йигит-қизлар ишлайди. Уларнинг барчаси бунёдкорлик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга. Ангел Стоев, Румяна Шахинова сингари бўёқчи-қурувчиларимиз бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Кўримсиз, эски ҳовлилардан иборат масканда қисқа вақт ичида 4 қаватли 42 та хонадонга мўлжалланган данғиллама янги уй барпо этилди. Бу ишларда мусобақадошимиз Петро Минко Лалев бошлиқ монтажчилар бригадаси ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлади. Бу коллектив аъзолари мазкур уйда алоҳида монтаж ишларини бажарди. Монтажчи Пламен Михайлов ва электр пайвандчи Тодо Ценовларнинг хизмати таҳсинга сазовор бўлди.

Шаҳримизнинг 2-микрорайонидаги 2-уй ҳақиқатан ҳам тез ва соз қуриляпти. Ўтган йили фойдаланишга топширилган 6-уйда ишлатган методларимизни бу уйда ҳам қўллаб, аъло сифатга эришиш ниятидамиз. Бу участкага бутун билимини, меҳрини бунёдкорлик ишига бағишлаган «Совет Иттифоқининг фахрий граждани» (болгар қурувчилари уни шундай дея эъзозлашади) Стоян Стоянов бошчилик қилади. У ҳар бир ишни алоҳида синчковлик билан кузатади. Баҳони ҳам қаттиққўллик билан беради. Баъзи пайтлар қурувчилар томонидан йўл қўйилган кичкинагина камчилик ҳам қайтарилмаслигини қаттиқ талаб қилади. Бошлиқнинг бу хусусияти ўз навбатида иш сифатига ижобий таъсир этмай қолмайди, албатта. Прораб Драгомер Думков ҳам ишбошилардан. Қисқаси, участкамизнинг барча аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, объектни тез ва соз топширишга ҳаракат қиляпти.

Бригадирнинг укаси Пейче Киров:

— 14 йилдан буён ўзбек халқининг урф-одати, тўю-маъракаси, турмуш тарзи, маданиятини, ҳатто ўзбек тилини (жонли сўзлашув тилида ишлатиладиган айрим сўзларни) ҳам озми-кўпми биламиз.

Муборакдаги иш фаолиятим давомида алоқа уйи, савдо дўконлари, 4-А микрорайонидаги 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши ва шунга ўхшаш кўпгина қурилишларда қатнашдим. Мутахассислигим бўёқчи-қурувчи. Ҳозирги кунларда алоқа уйида пардозлаш ишларини олиб боряпман. Ўз ишимдан, касбимдан мамнунман. 1975 йилдан, 1981 йилгача Москва атрофидаги катта қурилишларда ишладим.

Ана шу тажрибаларимдан фойдаланяпман. Совет Иттифоқига келганлигимдан, бу ерда кўпгина дўстлар орттирганимдан, уларга озми-кўпми ишларида мадад бўлганимдан хурсандман. Ўзбек халқининг «Ҳа, деган туяга мадор» деган мақолини ўзлаштириб, болгар дўстларимга қарата кўп ишлатаман. Баъзилари: «Ўзбек бўлиб кет-а, деб қулишади. Ҳа, биз — икки халқ, икки мамлакат кишилари бир-биримизга ҳар ишда мадад бўлсак, дўст бўлсак, қолаверса барча халқлар бир-бирига дўст, биродар бўлса, дунёда тинчлик барқарор бўлади. Мен ҳам болгариялик оддий қурувчи сифатида совет халқининг қайта қуриш ишини табриклайман, бу йўлда муваффақиятлар тилайман!

Бригадирнинг умр йўлдоши Николина Кирова:

— Туғилиб ўсган диёр, ватан соғинчи ҳақида гапирмоқчиман. Болгариянинг гулларга бой бўлган боғларини, ям-яшил ястаниб ётган водийлари-ю, гўзал шаҳарларини — ватанни, киндик қонимиз тўкилган азиз диёрни соғинмай бўладими? Соғинамиз! Ўша соғинч она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туфайли ҳар йили, гоҳо икки йилда бир марта меҳнат отпускаси олиб олисдаги ўз юртимизга бориб келамиз.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлигими, очиқ чеҳралиги-ю, дўстга бўлган садоқатими, хуллас нимадир дам олиб юрган кезлар озроқ фурсат ўтар-ўтмас яна буёққа тортаверади. Бу, менимча тобора халқларимиз ўртасида ривожланиб бораётган дўстликдан, дунёда мустаҳкамланаётган тинчликдан бўлса ажаб эмас!

* * *

Бу ҳикояни мен Қаршн чўли ўзлаштирила бошланганлигининг чорак аср — 25 йиллиги тантаналари куни тинглагандим. Чўлни яшнатиш ишида фаол қатнашиб келаётган болгар халқи вакилларидан маҳаллий аҳоли ҳам мамнун.

И. ЖУРАЕВ,
Қашқадарё области.

ДОРИЛФУНУНЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунуни билан Хитойнинг Шэньян дорилфунуни ўртасида дўстлик, таълим-тарбия, илмий, маданий ва иқтисодий соҳаларда алмашувлар тўғрисида битим имзоланди.

Ушбу битимда олимлар, тажриба орттирувчилар ва талабаларни бир-бирига юбориш, шунингдек, ўқув ва илмий материалларни айирбошлаш имконияти назарда тутилади. Дорилфунунлар биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришлари, биргаликда ўқув қўлланмалари яратишлари, ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ривожлантиришлари мумкин бўлади.

Битимни имзолаш учун Тошкентга келган делегация аъзолари орасида Шэньян дорилфунунининг раҳбарлари, олимлар бор эди. Улар олий ўқув юртида бўлган вақтларида шарқшунослик, журналистика ва фалсафа-иқтисод факультетларида лекциялар ўқишди.

— Бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимиз, — деди Хитой делегациясининг раҳбари, дорилфунун ректори Шанг Хонг. —Самимий кутиб олганлари учун миннатдормиз. Олий ўқув юртларимиз ўртасидаги дўстлик Совет-Хитой ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлишига умидвормиз.

— Яқин орада бизнинг делегациямиз Хитойга жавоб ташрифи билан боради, — дейди Тошкент давлат дорилфунунининг проректори Латиф Турсунов. — У ерда алоқаларимизнинг амалий режаларини биргаликда тасдиқлаб олишимиз мўлжалланган.

Тошкент давлат дорилфунунининг Хитой Халқ Жумҳуриятидаги олий ўқув юртлари билан алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда. Тошкент дорилфунуни Ухань ва Сичуань дорилфунунлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Шу кунларда Тошкент дорилфунунининг делегацияси Урумчида турибди.

(ЎзТАГ).

XII БЕШ ЙИЛЛИК

● Олтинкўл районидаги Куйбишев номли колхознинг Ўзбекистон ССР халқ депутати Тоҳиржон Ражабов раҳбарлигидаги ижарачилар коллективи ўтган йили 90 минг сўмдан ортиқ соф фойда олишга муваффақ бўлишди. Улар 50 гектар пахта майдонининг ҳар биридан 34,5 центнердан ҳосил етиштиришдилар.

Бригада коллективи бу йил юксак маррани кўзлаб иш тутишяпти. Ҳозир майдонларда чигит экиш поёнига етказилмоқда. Улар «Қирғизистон—3» чигит навини экмоқдалар.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутати Тоҳиржон Ражабов (ўнгда) тажрибали пахтакор, меҳнат ветерани Дўстманбой Султонов билан ўз режалари юзасидан суҳбатлашмоқда.

Суратнаш Р. АШУРОВ.
(ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг қарори

СССР Конституцион назорат комитетининг аъзоларини сайлаш тўғрисида

СССР Олий Совети СССР Халқ депутатлари иккинчи Съездининг топшириғини бажариш мақсадида **қарор қилади:**

Қуйидагилар СССР Конституцион назорат комитетининг аъзолари қилиб сайлансин:

Абрамович Александр Михайлович — В. И. Ленин номли Белоруссия давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Аъзамхўжаев Анвар — В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси.

Аннанепесов Мурод — Туркманистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти, тарих фанлари доктори.

Босхолов Сергей Семёнович — СССР Ички ишлар министрлиги академиясининг докторанти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

Бурчак Фёдор Глебович — Украина ССР Олий Совети Президиуми ҳуқуқшунослик бўлимининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

Биков Анатолий Григорьевич — М. В. Ломоносов номли Москва давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Иванова Розалия Ивановна — М. В. Ломоносов номли Москва давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультетининг профессори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

Инцкирвели Георгий Захарьевич — Тбилиси давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, пофессор.

Карапетян Людвиг Мнацаканович — Ереван давлат дорилфунунинг проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Мирзоев Сафо Аббос ўғли — С. М. Киров номли Озарбайжон давлат дорилфунунининг доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Муқсинов Ирек Шарифович — СССР Фанлар Академияси давлат ва ҳуқуқ институти миллий давлат, муносабатлари муаммолар гуруҳининг раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Пискотин Михаил Иванович — «Народний депутат» журналининг бош муҳаррири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Смокина Андрей Иванович — В. И. Ленин номли Кишинев давлат дорилфунунининг доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Собакин Вадим Константинович — КПСС Марказий Комитети бўлимининг маслаҳатчиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

Толстой Георгий Кириллович — Ленинград давлат дорилфунунининг профессори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

Турғунбеков Рафиқ — Қирғизистон ССР Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлимининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

Усмонов Очилбой — В. И. Ленин номли Тожикистон давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Филимонов Вадим Донатович — В. В. Куйбишев номли Томск давлат дорилфунунининг биринчи проректори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Ягудин Шокир Шаҳмедович — Татаристон АССР Олий Совети Президиуми бўлимининг мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 апрель.

• *Доҳий даъвати*

МАЙ ВАРАҚАСИ

Турмада Владимир Ильич ишчилар учун химия ёрдамида китоб орасига ёзилган «Ишчиларнинг 1 Май байрами» ва «Чор ҳукуматига» деган иккита варақа юборди.

«Ишчиларнинг 1 Май байрами» варақаси 1896 йилга тааллуқли. Агар биз бу варақа қайси йилда ёзилганини билмаганимизда ҳам, бу варақанинг характерига қараб туриб, у қачон ёзилганини аниқлаб олиш осон бўларди. Варақада ишчиларнинг халқаро байрами, ишчиларнинг халқаро кураши тўғрисида гапирилган. Бироқ китобнинг асосий мазмуни йирик марказдаги ишчиларнинг ўша вақтидаги аҳволи, уларнинг курашидан олиб ёзилганди. Варақа бу курашнинг истиқболларини белгилаб берган ва этачка курашига бевосита чақириқ бўлган эди.

Варақа 1896 йил 1 майда чиқди, июнда эса Петербургда 30 минг тўқимачи иш ташлади.

Н. К. КРУПСКАЯ. «ЛЕНИН ҲАҚИДА». 22-бет.

Йигит ва қизлар! Меҳнатда фаол қатнашингиз, билимларни эгаллангиз, давлатни бошқаришни ўрганингиз! Ватанимизнинг келажаги сизларнинг қўлингизда!

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

● Андижон бадиий буюмлар фабрикаси коллективининг 1 Май шарафига социалистик мусобақасида Донохон Каримова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ғолибликни қўлга киритди. Улар апрель ойи план-топшириқларини муддатидан илгари бажаришди.

— Байрамни очиқ юз билан кутиб оляпмиз,— дейди Д. Каримова. — 7 хил турдаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича пландаги 1255 дона ўрнига 1417 дона маҳсулот тайёрладик.

Бригада аъзоларидан, Эътиборхон Ҳусниддинова, Мавлудахон Жўраева, Озодахон Эргашева, Моҳидилхон Мирзаолимова сингари илғорлар эса ойлик планларини 120—130 фоиз адо этишди.

Айни кунларда фабрика ишчилари маҳсулот сифатига эътибор берган ҳолда кўпроқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишяпти.

Ш. КЕЛДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» газетаси жамоатчи мухбири.

КЎПЧИЛИККА ЎРНАК ОИЛА

● Заводимиз ишчилари Ҳ. Сандовни бир сўзли, ишчан слесарлиги учун ҳурмат қилишади. Май байрами арафасида Ҳақберди янги бир ташаббус билан чиқди. У зиммасидаги машиналарга техник хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларни сифатли ремонтдан чиқаришга аҳд қилди. Моҳир слесарни кўпчилик бўлиб қўллаб-қувватладик. Натижаси ёмон бўлмади.

Ҳ. Сандов пахтани қайта ишлаш цехидаги 36 та ДВ маркали тола ажратиш, 2 та Д—82 маркали тола пресслаш ҳамда 15 та ПИП—160 маркали момиқ ажратиш ускуналарини қисқа муддатда сифатли ремонтдан чиқариб, коллективимиз байрамолди социалистик мусобақаси ғолиби бўлди.

— Очиғи, буни ўзим ҳам кутмагандим, — дейди у. — Муваффақиятларнинг калити ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишда экан.

Корхонамизда Ҳақбердининг акаси Раҳимберди ва укаси Раҳматберди ҳам у билан ёнма-ён ишлаб келишяпти. Эндиликда акаукалар ҳар бир соҳада илғор. Кўпчилик Сандовлар сулоласидан ўрнак олишга ҳаракат қиляпти.

Т. МАҚСУДОВ,
Ғиждувон пахта тозалаш заводи слесари.

45

Рейхстаг устида ол байроқ

Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига саноқли кунлар қолди. Халқимиз бундан 45 йил муқаддам зориқиб кутган тарихий кун жаҳон халқларининг ҳамкорлик байрами — 1 Май кунларига тўғри келган эди. Ана шу куни гитлерчилар уяси — Рейхстагда Советлар юртининг ол байроғи ҳилпиради. Урушнинг биринчи кунларида Брест қалъасининг хандақларида туғилган жасорат халқимизни ғалабага элтган қаҳрамонликнинг дебочаси эди.

1941 йил 22 июнда Геббельс ўзининг Берлиндаги қароргоҳида мухбирларни йиғиб, саккиз ҳафта ичида ғалабага эришамиз, дея жар солган эди. Ғарбдаги обрўли ҳарбий мутахассислар ҳам гитлерчилар йўлини тўса оладиган куч дунёда йўқ, деб каромат қилишганди.

У пайтлар совет халқи учун ниҳоятда оғир эди. Она-Ватан тақдири учун кексаю-ёш қайғурарди. Мамлакатимиз ичкарисига чекина борган Қизил Армия душманнинг сон жиҳатдан устун кучларига қарши қаҳрамонларча курашар, кўплар ўз яқинларининг қурбон бўлганликлари ҳақида қорахат олишарди. Лекин шунга қарамасдан халқимиз умид ва ишонч билан яшади: «Душман йўлини тўсиш ва уни тор-мор қилиш керак! Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» Ана шу шиор майдонга ташланди.

Ота-оналар ўз фарзандларига шундай ёзишарди: «Ёдингизда тутинг, агар биз ўлиб кетсак, Берлин устига ғалаба байроғини сиз ўрнатишингиз керак».

Армия ва халқ она-Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга, фашист босқинчиларини ўз уясида янчишга қасамёд қилдилар. Бу қасамёдни баҳодир Совет Армияси шараф билан бажарди. 1945 йил 1 Май куни Рейхстаг устида Советлар юртининг зафар байроғи ҳилпиради. Рейхстагга байроқ тикишда жангчилардан Л. Лимек, К. Исоқов, С. Токнов, А. Бородулин, Н. Долгов, Г. Пўлатовлар алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатдилар.

• Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, партия ва меҳнат ветерани Абдушукур ота Қодировнинг дастлабки маёвкалар ҳақидаги ҳикояси.

БИРЛИГИМИЗ МУҚАДДИМАСИ

Ишчининг ҳеч вақт қўли бўш бўлмасин экан. Мана, қарийб 50 йил токарь бўлиб ишлаб, пенсияга чиққанимга ҳам 20 йилдан ошди. Лекин қадрдон ишхонам — Октябрь инқилоби номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводи мени оҳанграбодек ўзига жалб қилаверади. Баъзида баногоҳ завод дарвозаси ёнига келиб қолганимни билмай қоламан. Байрам кунлари-ку, асти қўяверасиз. Завод коллективи билан бирга бўлмасам тура олмайман.

1 Май — мен учун жуда қувончли байрам. Негаки, заводимиз бу байрамни нишонлашда ўз анъанасига эга. Буни шогирд бўлиб келганимдаёқ кекса ишчиларимиз ҳикоя қилиб беришган. Бугун, инқилобий қайта қуриш жараёни давом этаётган бир пайтда 1 Май маёвкаларида бевосита қатнашган мураббий ишчиларнинг ҳикоясини эслаш ўринли, деб ҳисоблайман.

Тошкентда дастлабки маёвкалар ўзига хос ҳамжиҳатлик билан ўтказилган. 1904 йил 1 Май байрамини нишонлаш заводимиз тарихида ўчмас из қолдирган. Худди шу куни Тошкент Бош темир йўл устахоналаридаги социал-демократлардан Лаптев ва Рудинлар ишчиларни Чор самодержавиесига қарши курашга чорловчи варақалар тарқатишган. Бундай варақалар устахона дарвозасига, цех ва участкаларга, деворларга, одамлар тўпланадиган жойларга, ҳатто асбоб-ускуналар сақланадиган қутиларга ҳам ёпиштириб чиқилган. Чақириқларни байрам арафасида дурадгор уста Василий Корнюшин тайёрлаб берган.

Биринчи Май куни устахона ишчилари ўз иш жойларига курашга, озодликка даъват этувчи варақалар билан кириб келишган. Улар ўзаро мунозаралар қилиб, фикр алмашишган. Ишчиларнинг безовталанганлигини сезган бош устахона маъмурияти ходимлари миршаб чақиришга мажбур бўлишган, Лекин уюшган, жипслашган кишиларни миршаблар ҳам тутиб олишолмаган. Ишчилар бир тан-бир жон бўлиб темир йўл устахонаси ҳовлисига тўпланишган.

— Оломон бамисоли дарёдек оқиб кела бошлаганди, — деганди кекса ишчиларимиздан бири ўша кунларни эслаб. — Халойиқ нималарнидир гапириб кулишар, ҳазил-мутойиба қилишар, маёвка уюштирувчиларни муҳокама қилишарди. Шу пайт бирдан гудок чалиниб, одамлар тепасидан яна даъваткор варақалар гўё ёмғирдек қуйилганди. Биз уни шоша-пиша олиб ўқигандик. Шундан кейин «Яшасин, Биринчи Май!», «Йўқолсин зулм!», «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган хитоблар билан инқилобий қўшиқларни айтиб, кўча сари юра бошлагандик. Дарвоза олдидаги изқувар миршаблар одамлар кўплигидан қайси биримизни тутишни билмасдан, гарангсиб туришарди. Бу — Тошкент ишчиларининг биринчи маёвкалари эди.

Ўша эски Бош темир йўл устахонаси ўрнида ҳозир Октябрь инқилоби номидаги қадимий завод қад ростлаган. Заводимиз ташкил топганига шу йил 10 май куни 90 йил тўлади. Қарангки, Биринчи Май ҳаракатлари бўлиб ўтганига ҳам 86 йил бўлибди.

Ҳар сафар байрам куни завод дарвозаси ёнига келсам, худди ўша 1904 йилги воқеалар ҳаёлга келади. Бироқ бу галги байрамлар ўзгача — хушчақчақ эканлигини қалбдан ҳис қилиб, кўнглим яйрайди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда Октябрь байроғи ҳилпирагандан буён 1 Май меҳнаткашларнинг бирдамлик, байналмилаллик, шодҳуррамлик байрамига айланди.

Корхонамиз ишчилари бу йилги байрамни ҳам меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олаётганлигини эшитиб қувондим. Негаки, бизда байрамни меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш анъанаси бор. Бу йил ҳам шундай бўлди. Биринчи квартал топшириқлари ошириб бажарилибди. Апрель ойи якунлари ҳам чакки эмас. Ремонтчиларимиз ҳар йили 300 дан зиёд замонавий тепловозларни созлаб беришяпти.

Байрам куни ҳамкасбларинг билан бирга бўлиш қандай яхши! Байрам арафасида ҳамкасбим, меҳнат ветерани — Мирфозил Миродиловни учратиб қолдим.

— Илгарилари Биринчи Май байрамларида тантанаворликка кўпроқ эътибор бериларди, — дейди у. — Эндиликда байрамларимиз табиийлик касб этди. Байрамларни серфайз, дилкаш, шовқин-суронсиз нишонлаяпмиз.

Мирфозилнинг гапида жон бор. Бу йилги байрамимиз ўзига хос файзли. Ажойиб замонда яшаяпмиз. Тўғри, қийинчиликларимиз ҳам бор. Уларни бартараф этиш бизнинг бирдамлигимизга, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликка боғлиқ. Бирдамлигимиз муқаддимаси эса ўша дастлабки маёвкалардан бошланган.

А. БАҲОДИРОВ
ёзиб олди.

• *Қадриятларимиз*

ЭҲТИРОМ

Бундан бир йил муқаддам уруш ва меҳнат ветеранлари Конимех район кенгаши «Конимех» давлат наслчилик заводига Шапек Кузембоев номини бериш тўғрисидаги ташаббус билан чиқдилар. Бундан район аҳли ҳайратланмади, унинг кимлигини сўрашмади ҳам. Аммо кўпчилик хурсандчилигини ошкор қилиб қўйди: «Хайрият!».

Дарҳақиқат, ким у Шапек Кузембоев?

Гарчанд, бу ном бизга таниш бўлса-да, унинг ҳаёт йўли ҳақида тўлароқ маълумотлар олиш учун кўплаб одамлар билан учрашишга, архив материаллари билан танишишга тўғри келди. Мақсадимизни амалга ошириш учун дастлаб Шапек Кузембоев яшаб ўтган хонадонга кириб бордик. Бизни хонадон соҳиблари— Шапек оғанинг ўғиллари илиқ кутиб олишди. Меҳмонхона тўрида эса сочлари қордек оппоқ, кекса бўлса ҳам ҳали кўзлари тийрак онахон ўтирибди.

...Тожи момо 87 йиллик умри давомида бизга ўхшаш меҳмонларни кўп қаршиладди, турфа воқеаларни бошидан кечирди. Турмушнинг аччиқ-чучукларини кўп тортди. Шу давр мобайнида эркаклар сингари яйлов кезди, сурув ортидан юриб, қўй боқди. Шапек Кузембоев қаерга борса у ҳам бирга бўлди. Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл шаҳрида ўтин тайёрловчи бўлганда ҳам, Қорақўл районидаги «Қорақўл» совхозида фермага мудирлик қилганда ҳам, Косон районидаги «Муборак» совхозида қўйчилик фермаси мудири, кейин хўжалик директорининг ўринбосари вазифаларида ишлаганда ҳам бирга эди. Очарчилик йилларининг даҳшатларини биргаликда тортди.

Тожи момо ана шулар ҳақида ҳикоя қила туриб, кўзлари намланди.

— Эл учун, ўзининг қадрдон хўжалиги учун жон қуйдирган кишиларни одамлар унутмас экан, — дейди у. — Мана, ҳозир ҳам ҳамқишлоқларимиз уни эслаб туришади. Уйимизга келиб мендан хабар олишади.

Зеро, Шапек оға «Конимех» наслчилик заводига салкам 40 йил етакчилик қилиб, унинг илғорлар сафида бўлиши йўлида тер тўкди. Чўпонларнинг турмуш шароитлари тобора яхшиланиб бориши учун кўп иш қилди.

БИЗНИНГ СПРАВКА: Шапек Кузембоев 1941 йилдан 1944 йилгача «Конимех» совхозида директор ўринбосари вазифасида ишлади. 1945 йилда совхозга директор қилиб тайинланди. Ўз ишининг устаси, ташаббускор, ҳалол, пок ходим сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришн ва айниқса, қорақўлчилик ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг оқилона раҳбарлиги туфайли совхоз 1946 йилдан бери ҳамиша илғорлар сафида.

Аслида Қизилқумдаги бу тўғрич қорақўлчилик совхози 1930 йилда ташкил этилганди. Ўшанда қўйлар зоти аралаш-қуралаш бўлиб, асл зотлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Бу қўйлар бухоролик Шарқулбой, Ибройим Копир, Ҳожибой, ғиждувонлик Райҳон бойлардан тортиб олинган эди. Умуман, совхозда 20 минг бош қўй-эчки, 120 бош туя, ўнта арава, битта юк машинаси бор эди. Совхозга қарашли қўй-эчкилар 6 та фермада боқиларди. 580 минг гектарли яйлов фермаларга тақсимланганди.

Дастлабки йилларда совхоз фермаларига республиканинг бошқа ерларидан зотли қўчқорлар келтирилиб, боқила бошланди. Сўнгра совлиқлар ана шу қўчқорлардан қочирилди. Қорақўл терисининг сифатини янада яхшилаш учун қардош Туркманистон ССРнинг «Уч аджи», «Равнина» совхозларидан асл терили қўчқорлар келтирилди. Булар хўжаликда бирин-кетин сифатли тери отарлар пайдо бўлишини таъминлади.

Совхозда 1934 йилдан 1941 йилгача бўлган даврда чорва моллар сони кескин кўпайди. Агар 1934 йилда қўйлар сони 35 минг 754 бошга етган бўлса, 1936 йилга келиб 39 минг 745 бошга етди. Урушгача бўлган даврда эса бу кўрсаткич 55—60 мингдан ошди. Ҳа, у йилларда яйловлар кўп, озуқа мўл эди. Бироқ кўпинча қўзилар ўстиришга қолдирилмай, фақат терига топширилгани оқибати ёмон бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, 1940 йилгача элита типидаги совлиқлар 0,1 фоизни, биринчи классдагилари 5,2 фоизни, иккинчи классга мансублари эса 46,6 фоизни ташкил этарди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Шапек Кузембоев хўжаликда директор ўринбосари бўлиб ишлади. Ана шу пайтда кўпгина йигитлар Ватанимиз озодлиги учун кураш олиб боришарди. Шунга қарамай, хўжаликда туёқ сони тўла асраб қолинди. Давлатга ва фронтга кўп уруш даврида 800 тонна бринза, 80 тонна сариёғ ишлаб чиқарилиб, фронтга етказиб берилди.

Урушдан кейин Ш. Кузембоев совхозга директор қилиб тайинланди. Шундан сўнг бу ерда янги, асл зотларни яратиш устида узоқ вақт изланишлар олиб борилди. Натижада «Конимех» номли зотлар дунёга келди. 1951 йилда биринчи сортли терилар миқдори 82 фоизга етди.

Замон талаби билан жаҳон бозорига чиқариладиган қорақўлнинг зотини янада ошириш зарур эди. 1952—1960 йилларда бу ишда иккинчи босқич давом эттирилди. Хўжалик наслчилик заводига айлантирилди. Бошқа жойлардан келтирилган қўчқорлардан унумли фойдаланилди. Юқори семизликдаги қўйларни эртароқ қочиришга ҳаракат қилинди. Чунки эрта туғилган қўзилар яхши ўсади. Улардан олинган терилар сифатли бўлади.

1961 йили Нишон районидаги «Нишон» совхозидан 10 та асл терили қўчқорлар келтирилди. Бундан биринчи классли, 477-номерли, ўрта жунли «Нишон» йўналишидаги қўзилар олинди. «Ўзбекистон» зотли қўчқорлардан насл олиниб, «Помуқ—1» йўналишидаги сифатли тери яратилди. Заводда «Жибек—1» йўналишидаги элита қўйлари ҳам етиштирилди. Профессор А. Лисов, таниқли олимлар П. Дьячков, С. Асадов, М. Кошевой, Д. Бойко, О. Бодихиналар бу ишга катта ҳисса қўшишди. Зоотехниклардан Н. Баринова, К. Кенпейилов, Ш. Фозилов ва бошқалар янги навлар яратишга ёрдам беришди. Бу жонкуярларга авторлик гувоҳномаси берилди. Шундан сўнг «Қистовбой», «Жибек», «Нишон», «Кузмахон», «Октябрь», «Қорақум», «Помуқ», «Оразжон» йўналишлари бўйича кўплаб зотлар яратилди. Мана шуларнинг ҳаммасига Шапек Кузембоев бош-қош бўлди.

Заводда амалга оширилган бундай ибратли ишлар партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. СССР Ташқи савдо министрлиги билан ВЦСПСнинг Қизил байроғи хўжаликка мангу сақлаш учун берилди. 1967 йили чорвадорлар ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Коллективга Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди. Умуман, хўжалик бўйича беш кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, 16 кишига Ленин ордени, 3 кишига Октябрь революцияси, 18 кишига Меҳнат Қизил Байроқ, 13 кишига «Ҳурмат Белгиси» орденлари берилди.

БИЗНИНГ СПРАВКА: СССР Олий Совети Президиумининг 1958 йил 6 август Фармонига кўра қўйчиликни ривожлантиришдаги катта муваффақиятлари, чорвачилик маҳсулотлари топшириш планларини ортиғи билан бажарганлиги, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этгани учун «Конимех» наслчилик заводи директори Шапек Кузембоевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ҳамда «Урок ва Болга» олтин медали топширилди.

Шапек Кузембоев умрининг сўнгги кунларигача хўжалик ҳақида, унинг одамлари ҳақида ўйлади. Унинг ташаббуси билан ҳар бир фермада, ҳар бир отарда бунёд этилган қашарлар бугунги кунда чўпон меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилаётир. Чўлнинг қоқ марказида ажойиб посёлка вужудга келди. Бу ерда совхоз ишчилари учун барча шароитлар муҳайё. Ҳаммом, новвойхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи ишлаб турибди. Қатор мактаблар ва болалар муассасалари мавжуд.

Шапек Кузембоевнинг фарзандлари ҳам давримизга муносиб кишилар бўлиб етишишди. Катта ўғли Жумагали ҳозирги пайтда район ҳуқуқий маслаҳатхонаси мудири бўлиб ишламоқда. Иккинчи ўғли Ўринбой эса ота изидан борди. Ҳозир у «СССР 60 йиллиги» совхозида бўрдоқичилик базаси мудири. Учинчи ўғил Жумамадин эса инженер-таъминотчи.

Мақоланинг илкида таъкидлаганимиздек, Шапек Кузембоевнинг номини абадийлаштириш ҳақидаги ҳабар конимехликларни ажаблантирмагани рост. Чунки, ҳақ йўлида чекилган ранж учун таъзим бажо келтирилади ва ҳатто бу ишлар ижодкорлари қаршисида таъзим айлаш мумкин. Зотан, эътиборли инсонлар ҳамиша эҳтиромга муносибдирлар.

Э. БОЛИЕВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ.

• *Қардошлар диёрида*

ТАБРИКЛАР ОЛИБ ҚАЙТДИК

Волгоград жасорати тарих саҳифасидан муносиб ўрин олган. Волга дарёси бўйида жойлашган бу кўркам шаҳарнинг ҳар бир кўча ва биноси, ҳар бир қарич ери учун қақшатқич жанглар бўлган. Шиддатли жанглар ўз ифодасини топган «Мамаев қўрғони» хиёбонлари миллионлаб кишиларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган.

«Ўзбекистон ўқитувчиси —90» сафар поезди қатнашчилари ҳам мана шу муқаддас қўрғон тарихи, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган жангчилар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, сукут сақлаш билан бурчларини адо этдилар.

Пойтахтимизнинг Киров районидаги ўқитувчилари Волгоград шаҳридаги лицей—эркаклар педагогика мактаб-интернати иш тажрибаларини ўргандилар. Лицей 1987 йилда эски мактаб-интернат ўрнида ташкил топган. Икки йилдаёқ Иттифоқ миқёсида ўрганса арзигулик тажриба тўпланди. Мактаб-интернат ҳозирча тажриба тариқасида фаолият кўрсатмоқда.

Лицейга кириш имтиҳонлари 20 августдан 1 сентябрга қадар давом этаркан. Билим масканига ўрта мактаблардан фақат «аъло» ва «яхши» баҳоларга ўқиган ўқувчигина қабул қилинади. Улар олти ҳафта сурункасига ўқиб, сўнг бир ҳафта таътилга чиқадилар. Лицей ўқувчилари ана шу таътил даврида ўзлари аввал ўқиган қишлоқ ёки шаҳарлардаги мактабларда тажриба тўплайдилар, дарс берадилар.

Мактаб-интернатда тартиб-интизом қатъий қўйилган. Айниқса, Лицейнинг чет тиллар институтига киришга мўлжалланган ўқувчиларига талаб катта. Бу ерда ўқишни 12 йиллик қилиш мўлжалланмоқда. Боиси, битирувчи хорижий мамлакатлардан бирида бир йил бўлиб, эркин сўзлашув ҳадисини олиши керак. Мактаб директори Иван Слипченко Иттифоқимизда очилажак лицейлар билан ижодий ҳамкорликка тайёрлигини айтди.

«Ўзбекистон ўқитувчиси — 90» туристик поездининг 380 кишилик иштирокчиси Молдавия, РСФСР ва Украина бўйлаб 20 кунлик ижодий сафарини муваффақиятли якунлашди.

Биз бу кўнгилли сафардан дўстларимизнинг 1 Май табрикларини, билдирилган энг яхши ниятларини олиб қайтдик.

С. ИЎЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Сўнмас у кунлар шуҳрати*

ЭЛ АРДОҒИДА

ДОНЕЦК шаҳри остонасидаги қулай тепаликлардан бирида ўрнашиб олган фашистлар пулемётдан тинимсиз ўқ ёғдириб жангчиларимизга бош кўтаришга имкон бермасди. Бош қўмондонлик эса 4-Украина фронтининг 8-армияси 230 дивизияси олдига шаҳарни шу куниёқ ишғол қилиш вазифасини қатъий қилиб қўйган.

...Кечки пайтгина тўртинчи ҳужумга кўтарилган жангчилар маррани ишғол қилишди. Ҳар тўрт жангчининг бири номаълум тепалик учун жонини қурбон қилди. Медицина хизмати батальонининг 7-взводи старшинаси Раҳима Ғуломова мана шу ерда илк бор жанговар синовдан ўтди. Бу жангдан унинг эсида қолгани шу: Кун бўйи ўқ ёмғири остида медицина сумкасини судраб тепалик сари эмаклагани ва ярадор жангчиларни опичлаб сон-саноқсиз марта орқага қайтгани ва яна... Хулласи калом, ўша куни у 96 ярадорни жанг майдонидан олиб чиққан эди.

Бугун полк бўйича яккаю ягона бўлган бу қизнинг жасорати оғизга тушди. Уни жангчилар асраб-авайлайдиган, халоскоримиз, дея эъзозлайдиган бўлишди. Қўмондонлик эса ўзбек қизининг бу жасоратини «Жасурлиги учун» медали билан тақдирлади.

Раҳима Ғуломова санитарка сифатида қадрдон полки билан Сталино, Донецк, Ростов-Дон ва бошқа шаҳар-қишлоқларни душмандан озод қилишда қатнашди. Бу даврда яраланган минглаб жангчиларнинг дардига малҳам бўлди. Ўзбек қизининг жанг майдонларидаги эпчил ҳаракатлари, зийраклиги ва жасурлиги қўмондонликнинг эътиборини тортди.

Кўриниши миттигина, ҳушёр жангчи душман истеҳкомларига билдирмай яқинлашиш учун разведка ротасига жуда зарур эди. Полк командири подполковник А. Савин уни бу ишга жалб этди.

Совет қўшинлари шиддат билан олға интилган 1944 йилнинг кузида душман яхши ўрнашиб олган истеҳком полк йўлини тўсиб турарди. Истеҳкомни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тез йўқ қилиб ташлаш топшириғи разведкачиларга етказилди.

Р. Ғуломова синалган жангчилар қаторида бу жанговар вазифани бажаришга отланди. У биринчилардан бўлиб сездирмай истеҳкомга яқинлашиб, ажал пуркаётган уяга граната улоқтирди. Лекин истеҳкомга жуда яқинлашгани туфайли улоқтирган гранатаси портлашидан ўзи ҳам ҳушидан кетди. Аммо жанговар вазифа муваффақиятли бажарилгани натижасида дивизия тўхтовсиз ўн саккиз километр олға босиши учун шароит яратилди.

Кўп ўтмай ўзига келган Раҳима ўнг оёғида қаттиқ оғриқ сезди. Қадрдон санитарларидан бири уни медицина пунктига олиб келди. Разведкачи қизнинг яраси оғир ҳисобланиб, зудлик билан ҳарбий госпиталга жўнатилди.

Ҳарбий госпиталда тўрт ярим ой даволанди. Шундан кейин комиссия уни фронт орқасига жўнатиш тўғрисида қарор чиқарди.

Душман истеҳкомини йўқ қилишдаги жасорати учун ўзбек қизи Раҳима Ғуломова юксак жанговар мукофотга тавсия этилганидан хабари йўқ эди.

1944 йилнинг декабрида Бухорода шинель кийган қиз пайдо бўлди. Улар яшаган ҳовли харобага айланган, онаси тикувчилик фабрикасининг ишчиси Самия Олимова қизининг йўлига кўзи тўрт бўлиб дунёдан кўз юмган эди.

Ҳаётни бошқатдан бошлашга тўғри келди. Разведкачи қиз Бухоро қорақўл тери ошлаш заводига оддий ишчи бўлиб ишга кирди. Орадан ўн йил ўтганидан кейин жанговар Қизил Байроқ ордени ўз эгасини мана шу ерда топди.

У салкам 30 йил мана шу заводда меҳнат қилди. Шу корхонада ишлаган йилларида ўзидек меҳнаткаш йигит Ҳожи Ғуломов билан турмуш қилиб, бахтини топди. Улар уч ўғил кўрдилар. Олимжон, Обиджон, Қурбонжон халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Улар болачақали, оилали.

Ая ҳозир пенсияда, кексалик гаштини сурмоқдалар. Турли меҳнат коллективлари, мактаб ўқувчилари ҳузурида тез-тез бўлиб, бошидан ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб беради. Яқинда у шаҳардаги 15-мактаб ўқувчилари ҳузурида меҳмон бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, мактабдаги пионер отрядларининг бири Раҳима Ғуломова номи билан аталган...

Шаҳар ижроия комитети марказий кўчалардан бирида қурилган муҳташам уйдан ветеран Ғуломовлар учун алоҳида квартира ажратди. Байрам олдидан уни бир даста гул ёки илиқ салом билан қутловчилар яна да кўпайиб кетади.

Ҳа, халқ бахти учун курашган бундай одамлар ҳамиша эл ардоғида.

Н. НАИМОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

● Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти меҳнаткашлари баҳор байрамини муносиб совғалар билан қаршиламоқдалар. Саноат, транспорт ва қурилиш корхоналари тўрт ойлик план-топшириқларини ошириб бажардилар. Айрим цехлар эса беш ойлик планни уддалаб қўйишди. Далаларда ҳам меҳнат авжида. Қорақалпоқ диёрида меҳнатга яраша байрамона дам олишга чоғланилган. Нукус, Тўрткўл, Беруний, Хўжайли, Чимбой, Қўнғирот ва Тахиатош шаҳарларида, кўпчилик районларда байрамни меҳнатда эришилган муваффақиятлар билан кутиб олинмоқда. Айём кунлари маданият ва истироҳат боғларида, ҳиёбонларда, катта кўчаларда оммавий сайиллар ташкил этилади. Маданият-санъат масканларида кўнгилочар томошалар уюштирилади. Савдо ярмаркалари меҳнаткашлар хизматида бўлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

1 МАЙ

«ФОТОКОНКУРС—90»

● Партиямиз Марказий Комитетининг Май Чақириқларида шундай сатрлар бор: «Умумбашарий қадриятлар тантана қилаверсин! Яшасин сайёрадаги барча халқларнинг тинчлиги, ишончи ва ҳамкорлиги!».

Суратқаш Н. Муҳаммаджонов конкурсга ушбу лавҳани йўллаб, уни «Бирдамлик» деб номлаган.

• *Янги шеърлар* — Жуманиёз ЖАББОРОВ

Севиб қолдим чоғи

Кўзларимга ўзгача дунё, севиб қолдим чоғи,
Лолазордир қишда ҳам саҳро, севиб қолдим чоғи.

Кичкина яроқда ҳам бўстон кўрарман, во ажаб,
Томчида қалқиб оқар дарё, севиб қолдим чоғи.

Битта сўзда бир бутун достон мужассам айланур,
Битта оҳда бир жаҳон савдо, севиб қолдим чоғи.

Қўл узатсам, неча минг юлдуз қўнарлар кафтима,
Йўлга чиқсам мақсудим қайда, севиб қолдим чоғи.

Сир ўғирлай деб йўлим тўсгай мудом шаббодалар,
Мен ўтарман зарра бепарво, севиб қолдим чоғи.

Заррадан офтобгача айлар муборакбод мени,
Ҳам ҳавас этгай неча пайдо, севиб қолдим чоғи.

Энди олам аҳлига ошиқлигим нурдек аён,
Бир ўзгинсан бехабар, барно, севиб қолдим чоғи.

Бўлажаксан

Дарёга зуғум қилсанг агар, ғарқ бўлажаксан,
Яхшию ёмон бўлса феълинг, фарқ бўлажаксан.

Алданма унинг ҳам тили йўқ, ҳам дили йўқ деб,
Қатрани қадр айлаки, барҳақ бўлажаксан.

Юз йил яшагил ўзни дебон, заҳр тутунсан,
Бир лаҳза кўрин халқин дебон, барқ бўлажаксан.

Эй, ақл, сени мен демагум асло қуёшим,
Тафтсиз нечаким шуълада ярқ — ярқ бўлажаксан.

Ғарб бирла Жануб, Шарқу Шимол — барча баробар,
Кўнглим, шу сифат шарҳинг эса, Шарқ бўлажаксан.

Сирлашмоқ ила олам уйи сенга мунаввар,
Бирлашмоқ ила халқ эдингу халқ бўлажаксан.

Сен табиатга, одам...

Сен табиатга, одам, зўрлик билан қўл урма кўп,
Бағридан бор неъматин олғум дебон, улғурма кўп.

Боғу бўстон, тоғу саҳро Она-Ер изиндадир,
Сен унинг дарёларин турли томонга бурма кўп.

Гул керак, булбул керак, саҳро керак, ўрмон керак,
Сен уларга меҳр берсанг берку бузма, қурма кўп.

Ақлу идрок бирла сен олам уйига раҳнамо,
Мавжудодлар борлиғин ҳар ёнга ҳасдек сурма кўп.

Балки, сендан сўнгра ҳам ворис неча авлод бор,
Сен уларнинг ризқидан нафсинг учун ундирма кўп.

Бир товуснинг ранги бирла бир ғизолнинг кўзлари
Бахт эрур инсон учун, бахтингга лоқайд турма кўп.

Қатра сувга бир ғубор тушса ўзингга жабрдир,
Зарра нурдан зарб ясаб, олам уйин ёндирма кўп.

Бир бутундирмиз табиат, биз унинг арзандаси,
Ақлу идрок йўлидан боргил мудом, зид юрма кўп.

* * *

Ловуллаб, товланиб, яшнаб турибсиз ушбу зал ичра,
Ғўзаллардан ғўзалсиз мен учун юз минг ғўзал ичра.

Бу ҳусну бу латофат таърифига сўзу соз ожиз,
Бўлардим бахтиёр — мингдан бирни айтсам ғазал ичра.

Билурмиз, бу жаҳон ичра улуғвор рутбалар кўпдир,
Улуғлардан улуғроқдир муҳаббат бор амал ичра.

Яралмиш бу жаҳон асли меҳрдан ҳам муҳаббатдан,
Шу боис севги олийдир абад ичра, азал ичра.

Нигоҳингизда маъно, эҳтиросларг жилвасоз доим,
Не ҳикматлар мужассамдир ўшал зарбулмасал ичра.

Лаб очсангиз неча шаҳду шакар бозори сингайдир,
Тополмасмиз бу неъматни набот ичра, асал ичра.

Солибдир сеҳрингиз ақлу юраклар мулкига ямо,
Шу ошиқ эл билан мен ҳам қолибдурман қамал ичра.

• *Янгиликни шарҳлаймиз*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда» Мурожаатномасига жавобан Фарғона вилояти мактабларида ўқувчиларнинг фанларни аъло даражада ўзлаштириб олишларини рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширила бошланди.

Мактаб ўқувчисига стипендия

3-синф ўқувчиси Рустам Саидохунов дарсдан сўнг уйига пул олиб келганда оила бошлиғи саросимага тушди. Ёш бола бунча пулни қаердан олди экан? Рустам эса пул солинган конвертни хонтахтага қўяркан, жилмайиб:

— Яхши ўқиганим учун... стипендия! — деди ўрганмаган сўзга аранг тили келиб. Шу куни Киров районининг Шоберди қишлоғидаги йигирма тўрт оилада ота-оналар учун худди шундай қувончли воқеа рўй берди. Қишлоқдаги Н. Крупская номли 4-ўрта мактаб педагогика кенгаши қарорига мувофиқ, шу йилнинг январь ойидан бошлаб дарсларни аъло даражада ўзлаштирган, ахлоқ-одоби намунали ўқувчиларга ойига ўн сўм миқдорида стипендия берила бошланди. Улар орасида 2-синф ўқувчиси Холида Абдуллаевадан тортиб 10-синфдаги Чарос Холматова сингари турли ёшдаги ва турли синфларда ўқиётган аълочилар бор.

Стипендия олишга лойиқ ўқувчиларни танлаш ҳам демократик асосда ташкил этилган. Ҳар бир синфда ой охирига келиб, синф ўқувчиларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш қатнашчилари ой давомида энг яхши натижаларга эришган икки нафар ўқувчини танлашади. Бу усул болаларда мустақил фикр билдириш, холислик ва адолат туйғусини шакллантиришда муҳим тарбия воситаси ҳам бўляпти. Кўрсатилган номзодлар мактаб педагогика кенгашида муҳокама этилиб, стипендия эгалари белгиланади. Стипендия мактаб ўқувчилари умумий йиғилишида аълочиларга тантанали равишда топширилади.

— Стипендия бериш учун маблағни қаердан топдингизлар!

— Мактабнинг катта ёнғоқзор боғи бор, — дейди мактаб директори Мусулмонқул Мамадов. — Ўтган йили боғдан ярим тоннага яқин ёнғоқ олдик. Гилос ҳам мўл бўлди. Бундан ташқари етти минг туп терак кўчати, аллақанча ток кўчати етиштириб сотдик. Натижада мактаб бюджетида беш минг сўмга яқин пул тўпланиб қолди. Жамғарилган маблағнинг бир қисмига мактаб учун рангли телевизорлар сотиб олдик. Ўқувчиларни республиканинг турли шаҳарларига бепул саёҳатларини уюштирдик. Ортиб қолган пул ҳисобига эса педагоглар ўзаро маслаҳатлашиб, аълочи ўқувчилар учун стипендия жорий этишга қарор қилдик.

— Ўқувчини пул билан рағбатлантириш тарбияга салбий таъсир кўрсатмасмикин!

— Аксинча. Рағбатлантириш қайси шаклда бўлмасин, у барибир яхши меҳнат учун мукофот эканлиги маълум. Дарсларни аъло даражада ўзлаштиргани учун мукофотга берилган пулга ўқувчи китоб ёки шахмат-шашка тахтаси сотиб олса ёмонми?

Фарғона вилояти мактабларида ўқувчиларга стипендия бериш тажрибаси кўпчиликка маъқул тушяпти. Бу усул Қўқон шаҳридаги 11-ўрта мактабда ҳам қўлланиляпти. Стипендияни мактабнинг оталиқ ташкилоти — Фарғона газ ва нефть қазиб олиш бошқармаси жорий этган. Айни пайтда шу мактабнинг 26 нафар аълочи ўқувчиси стипендия олмоқда.

Янгиликнинг, яхши гапнинг оёғи чаққон бўлади, дейдилар. Балки кировлик ва қўқонлик педагог жамоалар ҳамда оталиқ ташкилотларнинг хайрли ташаббусига қўшиладиганлар сафи янада кенгайса ажаб эмас.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

Гавжум зиёхона

● Бағдод районидаги маданият уйига қарашли марказлашган 8-филиал клуби Қаҳат қишлоғига жойлашган. 60 квадрат метрли майдонда меҳнаткашларнинг дам олиши, бўш вақтини оқилона уюштириши учун шароитлар муҳайё. Собиржон Толипов, Ғойибназар Саломов, Шавкатжон Деҳқонов, Ғанишер Назиров каби ёшлар, Ёқубжон Исоқов Юсуфжон Солиев, Акбарали Назиров каби отахонлар ташкилотчилик ишларининг фаолларидан ҳисобланади. Бу ерда одоб-ахлоқ, ичкиликбозликка қарши кураш, саломатлик, тўйларимиз ва ўйларимиз, халқаро ҳаётга оид суҳбатлар уюштириб турилади. Зиё масканига айланиб қолган бу гўша меҳнаткашларнинг маданий-маънавий савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Р. ОРТИҚОВ.

Уч эгизак

● Китоб районидаги Навоий номли совхоз партия комитетининг секретари Аъзам Жалолов хонадонида қувончли воқеа юз берди. Оила бекаси Дилбар Розиқова бир йўла уч фарзанд кўрди. Ҳозир Фотима, Зуҳра ва Зулайҳо исмли чақалоқларнинг соғлиғи яхши. Оиладаги фарзандлар сони 6 нафарга етди.

Қ. РАҲМОНОВ.

«Чўл лоласига» олқиш

● Ғузор районидаги «Ленин комсомоли» номли маданият ва истироҳат боғида халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивали доирасида Наврўз байрамига бағишланган фольклор-этнографик ансамбларининг вилоят кўрик-конкурси ўтказилди. 24 ансамбль кўрикдан ўтди.

Ҳакамлар Ғузор шаҳар маданият уйи қошидаги «Чўл лоласи» коллективига биринчи ўринни беришди. Ғолиб коллектив Тошкентда ўтадиган фольклор-этнографик ансамбллари республика кўрик-конкурсида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Т. МАЛЛАЕВ.

ФУТБОЛ

Имкониятни бой бериб

Биринчи лига коллективлари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Байрам арафасида Воронежда «Факел» командаси билан майдонга тушган пахтакорчилар мухлисларни ранжитишди. Ҳозирча пахтакорчилар орасида асосий тўпурар бўлиб турган Игорь Шквирин сва яна ўзини кўрсатди. У ўзининг туғилган куни — 27 ёшини дарвозани аниқ нишонга олиш билан нишонлашга муваффақ бўлди. Афсуски, унинг командадошлари бошланган бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга, ғалабани мустаҳкамлашга имкон топмадилар.

Майдон эгалари ҳужумкорликка зўр бериб, ҳисобни тенглаштиришди. Танаффусга чиқиш олдидан яна бир тўп билан 2:1 ҳисобида олдинга ўтишди. Ўйин тугашига яқин пахтакорчилар дарвозасига учинчи тўп киритилди. Тўпларни мезбонлардан Коптильний билан Елишев дарвозага йўлладилар. Шундай қилиб, пахтакорчилар имкониятни бой бериб, ё очко билан бир поғона пастга тушдилар. Чемпионатда эса Запорожьенинг «Металлург» коллективи 9 очко билан олдинда бормоқда. Бу команда пойтахт темирйўлчиларини қабул (0:0) қилиб, ўз ҳисобларига бир очко қўшишди. «Шинник» командаси сафарда «Зенит» футболчилари билан ўйнаб (1:0), 8 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

• *Суратли репортаж*

ШАРҚОНА БОЗОР

Шарқона бозор салобати яқиндан кўпроқ намоён бўлади. Кошинкор гумбаз нақшлари жилваланади. Муҳандис, қурувчи, кошинкор уста, пардозловчи, қўйингчи, бозор қурилишида тер тўккан барчанинг меҳнати бир ерга уйғунлашган.

Ёпиқ бозор 3200 ўринга мўлжалланган. Унинг дастлабки савдо шохобчалари Май байрами кунларида аҳолига хизмат қила бошлади.

Тошкент шаҳрида қурилиш ишларини олиб борувчи бош бошқарманинг бунёдкорлари объектда ибратли ишларни амалга оширдилар. Тўрт ой мобайнида бу ерда бош пудрат бўйича 2 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди. Пардозлаш трести, Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинати меҳнатчиларининг шижоати ҳам ўзгача бўлди.

Пойтахтимизнинг «Эски шаҳар» қисмида қад ростлаган шарқона бозор ҳар томонлама қулай. Текис, равон кўча бозорга олиб боради. Бозор атрофида дам олиш хиёбонлари бўлади. Ошхона ва анъанавий чойхоналар очилади. Яқин келажакда бозорнинг иккинчи қисми қурилиш ниҳоясига етказилади.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Суратларда: Шарқона бозор қурилишида; Р. Исматовни қурилишда кўпчилик танийди. У 11-баланд иморатлар қуриш трестининг 69-бошқармасида ишлайди.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

САЙИЛЛАР ВА ҚЎШИҚЛАР

Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май муносабати билан жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида турли маданий тадбирлар ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди.

БУГУН Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдонида ўтказиладиган сайил ўзига хос шодиёнага айланади.

Майдонда В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар саройи тўгаракларининг аъзолари иштирокида катта тантана бўлади. Бу ерда болаларнинг асфальтга расм чизиш, турли ўйинлар намойиш қилиш тадбирлари уюштирилади. Кечга яқин «Лазги», «Шодлик» ансамбллари концерти бўлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри майдонида ҳам айём шодиёналари бўлади.

СССР халқлари дўстлиги тарихий музейи— Мардлик ёдгорлиги олдида қозоқ, корейс, яҳудий халқлари маданият марказлари кучи билан турли тадбирлар ўтказилади.

ЭРТАГА Тошкентдаги бир қатор корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари шаҳар атрофидаги сўлим ўрмонзорларда сайил қиладилар.

Чкалов номидаги авиасозлик бирлашмасининг 400 дан ортиқ ишчиси байрамни Чиноз ва «Кристаль» пансионатларида нишонлайди.

БУГУН қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида байрам қатнашчилари учун маданий тадбирлар уюштирилади.

Регистон майдонида Сиёб районининг бадиий ҳаваскорлари концерт беришади. Панжоб мадрасасида жойлашган миллий марказ этнографик ансамблининг чиқишлари бўлади. Совет кўчасидаги ўрмонзорда дам олувчилар учун кўнгилочар томошалар кўрсатилади.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 10052. № 100. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12